Газета 1997 йил
27 августдан чика
бошлаган

1999 йил,
10 ноябрь, чоршанба
45 (109)

МУСТАҚИЛЛИК

ҲУҚУҚ

ДЕМАКДИР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ПРОКУРАТУРАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

САЙЛОВЧИ ОЛДИДАН

1999 ЙИЛ 5 ДЕКАБРЬ

2000 ЙИЛ 9 ЯНВАРЬ

ДЕПУТАТ ҚАНДАЙ БЎЛМАСЛИГИ КЕРАК?

Янгиланган жамият бугун халқимизга ҳам бевосита, ҳам ўз вакиллари орқали давлат ҳокимиятини амалга ошириш имкониятларини бермоқда. Мана шундай имкониятлардан бири, мамлакатнинг қонун чиқарувчи органи бўлган Олий Мажлис депутатлигига номзодларни сайлаш халқимиз, шу жумладан ёшлар зиммасига ҳам улкан масъулият юклайди. Халқимиз бугун умумхалқ сайловларида иштирок этиш нафақат ҳуқуқ, балки фуқаролик бурчи эканлигини тушуниб етмоқда.

Ўзбекистон демократик республика, шундай экан, демократик тарздаги умумхалқ сайловлари ўтказилиши табиий. Зеро, демократик республика бу - халқ ҳокимиятчилигига асосланган, ҳокимиятнинг олий идоралари маълум муддатга сайланадиган жамият демакдир.

Мен Олий Мажлис депутатлигига сайловларда сайловчи сифатида иштирок этар эканман, сиёсий ва ҳуқуқий жиҳатдан етарли билимга эга бўлган, қонунлар қабул қилиш жараёнида халқ иродасини ифода этишга қодир бўлган номзодга овоз бераман. Олий Мажлис депутатлигига сайланган номзод қанчалик фидойи бўлмасин, қабул қилинажак қонунлар моҳиятини тушуниб етмаса, бундай депутатни халқнинг давлат ҳокимиятидаги вакили деб бўлмайди.

Мен овоз бераётган сайлов округига қўйилган номзодларнинг ҳаммаси талабим даражасида бўлган тақдирда ҳам мен «Миллий тикланиш» партияси вакилига овоз бераман. Чунки, ушбу партияни Ўзбекистондаги энг либерал партия деб биламан.

Феъл-сажиясида маҳаллийчилик, гуруҳбозлик каби иллатлар бўлган кишиларга қонун чиқарувчи ҳокимиятда ўрин бўлмаслиги керак, деб ҳисоблайман.

Зиёдулла САФАРНИЁЗОВ,
ТҒҚТ талабаси

Маълумки, депутат халқнинг ишончли вакилидир. Шундай экан, Олий Мажлис депутати ўз манфаатларидан халқ манфаатини устун қўядиган, сайловчиларини ҳуқуқий, ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қила оладиган, юксак маънавият ва билим соҳиби бўлиши керак.

Парламентга депутат бўлишни обрў ва парламент томонидан чиқарилган қарорларни тасдиқлашдан иборат, деб ўйлайдиганларга Олий Мажлисда ўрин йўқлиги сайловолди жараёнларидан ҳам кўриниб турибди.

Гулабза ҚАРШИЕВА,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши Академияси аспиранти

Республикамизда демократик қарашларнинг мустаҳкамланаётганидан кўнгил яйрайди. Қаранг, сайлов жараёнида 5 та партия бир-бирига рақобат қилмоқда. Рақобат бор жойда эса ўсиш бор. Бу йилги сайловларда ташаббускор гуруҳлар ҳам ўз номзодларини кўрсатаётганлиги эса бу жараёнларни янада жонлантиради.

Сайловлар жараёнида қонун устворлигини таъминлаш учун сайлов комиссияларидан ҳам, номзодлар ва сайловчилардан ҳам юқори савия, сиёсий маданият талаб қилинади. Шу боис биз сайлаётган номзодлар ўз ғояси, эътиқоди, маданияти билан фарқ қилиши, сайловчиларни уялтириб қўймайдиган зукко инсон бўлиши лозим. Мен бу жараённинг фаол аъзоси сифатида катта қизиқиш билан кузатиб бораяпман.

Исроил ПЎЛАТОВ
Муборак газни қайта ишлаш корхонасига қарашли шифохона бош ҳакими

ЧОРШАНБАДАН ЧОРШАНБАГАЧА

Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов 5 ноябрь куни Урганч шаҳрида бўлиб ўтган жасур саркарда ва давлат арбоби, халқимизнинг миллий қаҳрамони Жалолиддин Мангуберди таваллудининг 800 йиллигига бағишланган тантанали маросимда иштирок этди ва нутқ сўзлади.

***

6 ноябрь куни қадимий ва навқирон Термиз шаҳри марказида бунёд этилган улкан боғда аждодларимиз даҳосининг бебаҳо ёдгорлиги - «Алпомиш» достонининг 1000 йиллиги катта тантана билан нишонланди. Президент Ислом Каримов маросимда иштирок этди ва нутқ сўзлади.

***

8 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Хитой Халқ Республикаси раҳбари Цзян Изэминнинг таклифига биноан давлат ташрифи билан мазкур мамлакатга жўнаб кетди.

Республика прокуратурасида

МАҚСАД БИТТА: ЖИНОЯТЧИЛИКНИНГ ПАЙИНИ ҚИРҚИШ

Ўтган куни пойтахтимизда Республика прокуратурасининг ташаббуси билан «Халқаро уюшган жиноятчиликка қарши кураш» мавзусида минтақавий анжуман ўз ишини бошлади. Анжуманни Республика Бош прокурори ўринбосари Р.ҚОДИРОВ очиб, меҳмонларга қуёшли юртимизга ташрифи учун миннатдорчилик билдирди.





- Тадбирдан мақсад битта : кейинги йилларда дунё аҳлини ларзага солаётган наркобизнес ва террорчилик, бир сўз билан айтганда инсониятга хавф солаётган жиноятчиликка қарши курашдаги муаммоларни биргаликда ҳал қилиш. Ҳаммангизга маълумки, дунёнинг кўпгина оммавий ахборот воситалари шу йилнинг 16 февралда Тошкентда содир этилган террорчилик ҳаракатлари ҳақида ёзишди. Террористик жиноятларни уюштиришда қатнашган шахсларни топишда бевосита ёрдам кўрсатган Қозоғистон, Қирғизистон ва бошқа кўшни давлатларнинг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларига фурсатдан фойдаланиб, чин дилдан миннатдорчилик билдираман. Маълумки, жиноятчиликнинг миллати, Ватани бўлмайди.

- Ўзбекистоннинг дунё миқёсидаги обрўси кун сайин ошиб бормоқда. Бунинг асл сабаби, бу қуёшли юртда тинчликнинг ҳукм суришидир, - деди АҚШнинг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси Жозеф Пресел.

- Бугунги кунда жиноятчиликнинг наркобизнес ва террорчилик каби даҳшатли турлари дунёнинг ҳамма мамлакатларига таҳдид солмоқда. Ҳар бир демократик мамлакат ўз фуқаролари тинчлиги ва осойишталиги учун барча куч ва имкониятларини ишга солмоқда. Илдиз отиб бораётган террорчилик ва наркобизнесга қарши курашишни ҳар бир виждони уйғоқ инсоннинг вазифаси, деб биламан.

Анжуманда ўзбекистонлик вакиллар номидан сўзга чиққан Республика прокуратурасининг Қонунчилик муаммолари ва прокурор-тергов ходимлари малакасини ошириш Маркази директори Ф.Ҳайдаров шундай деди:

- Мустақилликнинг дастлабки йиллари қанчалик таҳликали кечганини жуда яхши биламиз. Юртбошимизнинг ўз вақтида қилган саъй-ҳаракатлари туфайли мамлакатимизда жиноятчиликнинг пайи қирқилди. Аммо, минг афсуслар бўлсинки, бизнинг юртимизни ҳам дунёни ташвишга солган жиноятчиликнинг террорчилик ва гиёвандлик каби хафли турлари четлаб ўтмаяпти. Ҳаммамизга маълумки, Афғонистон ва Тожикистон-

(Давоми 3-бетда)

• Мағрибу Машриқда

Сўнгги пайтда Россияда гиёванд моддаларни ишлаб чиқариш ва тарқатиш билан боғлиқ бўлган жиноятларнинг сони кескин ўсиб бориши кузатилмоқда.

Россия Ички ишлар вазирлигининг берган баёнотига кўра, шу йилнинг 9 ойи мобайнида жиноятчиликнинг ушбу тури ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 15 фоизга кўпайган.

***

Буюк Британия ҳукумати Европа давлатлари орасида биринчилардан бўлиб, Саудия Арабистонида ўз ваколатхонасини очиш истагини билдирди. Бунинг натижасида мамлакатнинг 20 мингдан зиёд мусулмонлари Маккага ҳаж сафарига боришда Буюк Британия ҳукуматининг ёрдамидан баҳраманд бўладилар.

***

Ветнамда содир бўлган кучли сув тошқини оқибатида 500 дан зиёд киши ҳалок бўлди. Маҳаллий ҳукумат вакилларини яқин кунларда бўлиши кутилаётган кучли ёғингарчиликлар ташвишга солмоқда. Чунки, бу ҳол вазиятни янада кескинлашувига сабаб бўлади. Бугунги кунгача табиий офат келтирган зарар 11,5 миллион долларни ташкил этмоқда.

***

Италиялик 65 ёшли актириса Софи Лорен дунёнинг энг гўзал аёли, деб тан олинди. Янги йил арафасида унинг ва бошқа буюк шахсларнинг портретлари «Минг йиллик капсула»га киритилади. Элизабет Херли ва Синди Кроуфордларга иккинчи ва учинчи ўринлар насиб этди.

***

Голландиянинг Хеерлен шаҳрида камбағаллар учун махсус супермаркет очилиши кутилмоқда. Маҳаллий маъмурият уни ишсизлик нафақаси олувчи, шунингдек, фақир ва уйсизлар учун очишни мўлжалламоқда. Магазин пештахталари сақланиш муддатининг тугашига бир кун қолган маҳсулотлар (нон, сут, гўшт) билан тўлдирилади.



Республика прокуратурасининг Қонунчилик муаммолари ва прокурор-тергов ходимлари малакасини ошириш маркази биноси

• Қонун олдида ҳамма тенг



Биз кураётган ҳуқуқий демократик жамиятда қонун устуворлиги асосий тамойиллардан биридир. Бунга эришиш учун аввало, пухта ўйланган, кучли таъсирга эга бўлган қонунларни қабул қилиш ва асосийси - ана шу қонунларнинг ижросини таъминлаш лозим. Лекин афсуски, халқ хўжалигининг айрим соҳаларида баъзи қонунларнинг ижроси ҳамон сустлигича қолиб кетмоқда. Хўш, бунинг сабаби нимада? Шу мазмундаги саволларимизга жавоб излаб, Республика Прокуратурасининг умумий назорат бошқармаси бошлиғи ўринбосари Муҳиддин ҚИЁМОВга мурожаат қилдик.

МАСЪУЛИЯТСИЗЛИК ҚИЁФАСИ

— Маълумки, мамлакатимиз иқтисодиётининг асосий қисмини қишлоқ хўжалиги ташкил этади. Қишлоқ хўжалигини тараққий эттириш ва ривожлантириш йўналишида кўпгина қонун ва фармонлар қабул қилинди. Ана шу фармон ва қонунларнинг ижроси жойларда қандай амалга оширилмоқда?

— Ҳақиқатдан ҳам аграр сиёсат республикамиз ҳукумати олиб бораётган ички сиёсатнинг таркибий бўғини ҳисобланади. Мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилишга катта эътибор қаратилди.

Ўз-ўзидан бу жараённи тартибга солувчи янги ҳуқуқий ҳужжатлар базасини яратишга эҳтиёж туғилди.

Бу қонун ҳужжатларини санаб ўтирмасдан зарар кўриб ишлаётган қишлоқ хўжалиги корхоналарини иқтисодий ночор аҳволдан чиқаришга қаратилган «Қишлоқ хўжалиги корхоналарини санация қилиш тўғрисида»ги қонун хусусида тўхталиб ўтмоқчиман.

Биринчидан, айрим хўжаликларда мукаммал ва оқилона иш юритилмади;

иккинчидан, кўпгина хўжаликларда бозор иқтисодиёти муносабатларининг аниқ механизми ишлаб чиқилмади;

учинчидан, хўжаликларда бошқарув принципларининг шакли ўзгарсода, иш услуби эскилигича қолаверди;

тўртинчидан, меҳнаткашларга хусусий мулкка эгалик тушунчасини, жамоа мулкида уларнинг ҳам улушлари борлигини шакллантириш жараёни қийин кечди;

бешинчидан, контрактация ва бошқа ички хўжалик шартномаларини тузишга, уларни бажаришга масъулиятсизлик билан қаралиб, уларни номигагина тўлдириб қўйиш одат тусига кирди;

олтинчидан, меҳнатнинг тўғри ташкил қилинмаслиги оқибатида бошқарув аппарати асоссиз равишда кенгайтирилиб, хўжалик ҳаражатлари ошиб кетди;

еттинчидан, айрим хўжаликларда ҳисоб-китоб ишлари тўғри жорий этилмаганлиги оқибатида маҳсулотлар йўқ бўлиб кетаверди, аксарият ҳолларда талон-тарожликларга йўл қўйилди. Ўз навбатида булар хўжаликларнинг иқтисодий ночор аҳволга тушиб қолишига сабаб бўлди.

Шу боисдан, ҳукуматимиз бундай хўжаликларни банкротга учраган деб топиш билан кифояланмасдан, авваломбор уларни сақлаб қолишни, оёққа турғизиш чора-тадбирларини кўришни ўз олдига асосий вазифа қилиб қўйди.

Масаланинг иккинчи томони бу - мазкур қонун ва унинг асосида қабул қилинган ҳукумат қарорлари амалда қандай бажарилаётганлиги, санацияга тушган хўжаликларда бу жараён қандай кечаётганлиги ҳақидаги саволларга жавоб излашдир.

Маълумки, Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 14 январдаги 21-сонли ва 1998 йил 26 декабрдаги 537-сонли қарори билан 1998 йилда 104 та ва 1999 йилда 150 та зарар кўриб ишлаётган хўжаликларни санация қилиш белгиланди.

Кузатишлар шуни кўрсат-

(Давоми 4-5-бетларда)

• Газетхон сўз сўрайди

ДАДИЛЛИКДА ГАП КЎП

«Ҳуқуқ» газетасининг илк сони чиққан 1997 йил 27 августдан буён бу нашр билан ошноман. Ҳар чоршанба куни газетани сотиб оламан. Ўтган йили «Ҳуқуқ»га обуна бўлмоқчи эдим. Почтадан газета келгунга қадар сабрим чидамай, газетани сотиб олиб қўяман. Кейинги пайтларда газета дўконларида «Ҳуқуқ» ни топиш қийин бўляпти.

«Ҳуқуқ» ҳақида фикрларимни айтадиган бўлсам, газетадаги ҳар бир муаммоли мақолани оиламиз аъзолари билан муҳокама қиламиз. «Дарғом юттан нолалар», «Ҳаётни асранг, сингиллар», «Ё қиз, ё пул» мақолалари ҳар қандай инсонни ўйлашга мажбур қилади. Наҳотки, дунёда ана шундай пасткаш одамлар ҳам бўлса, деб ўйга толасан киши. Баъзан кўча-кўйда одамлардан эшитиб қоламан. Ўзларича раҳбарларидан нолиб қолишади. «Ойлигимизни вақтида бермайди», деб.

«Ҳуқуқ» газетасининг шу йил 9 июнь сонида «Бўш қоп тик турмайди» номли мақола чоп этилди. Унда пойтахтнинг Собир Раҳимов туманидаги «Компрессор», «Ёғочни қайта ишлаш комбинати», «Тошкент мебель», «Тошмармар» акционерлик жамиятларида ишчилар учун маошлар ўз вақтида берилмаётгани танқид қилинганди. Кўп ўтмай ушбу мақолага Собир Раҳимов туман ҳокимининг биринчи ўринбосари А.Мўминовнинг жавоби ҳам газетада эълон қилинди. Унда маош масаласи ижобий ҳал қилингани ҳақида ёзилган. Тўғриси, газетада бу жавоб хатини ўқиб, кайфиятим кўтарилди. Демак, муаммоларни дадил кўтарса бўларкан-ку. Мен оддий газетхон сифатида «Ҳуқуқ»нинг дадил чиқишларини қўллаб-қувватлайман. Шунинг учун оиламиз билан келишиб, «Ҳуқуқ» га обуна бўлдик. Ўйлайманки, таҳририят бизнинг дилимиздаги мақолаларни тайёрлайди ва ишончимизни оқлайди.

Сирожиддин ҚАРШИБОЕВ, ТДЮИ талабаси



- «Ҳуқуқ»ни тавсия қиламан

Индексларимиз:

«Ҳуқуқ» газетаси:

Якка тартибдаги обуначилар учун -231

Ташкилотлар учун - 232

«Қонун ҳимоясида» журнали:

Якка тартибдаги обуначилар учун -839

Ташкилотлар учун - 840

Обуна бўлишга шошилинг!

ҲАҚ СЎЗНИ АЙТИШ КЕРАК

Яқинда ойнаи жаҳонда эшитиб қолдим. Мамлакатимизда 500 га яқин газета ва журналлар чоп этилар экан. Ҳар бир нашрнинг ўз мухлиси бўлиши табиий. Кимдир адабий-бадиий нашрларни севиб мутолаа қилса, бошқа бир муштарий қишлоқ хўжалигига оид газета ва журналларни ўқийди. Мен эса ҳуқуқий нашрларни ўқишга қизиқаман. Детектив асарлар жони дилим. Қўлимга тушиб қолса, ўқиб тугатмагунимча бошқа ишга кўл урмайман. Менга «Қонун ҳимоясида»да чоп этилган «Монгол П», «Латофат» дўконидаги қотиллик», «Деразангни чертганида ёмғиру шамол» асарлари жуда ёқди. Воқеалар ҳаётдан олинган. Ўйлайманки, таҳририят ана шундай қизиқарли детектив асарларни журналнинг ҳар бир сонида босиб турса, ўқувчилар журнални қидириб топиб ўқийди. Журнал ҳақида бир таклифим бор. Агар 2000 йилдан бошлаб журналда «Ҳуқуқ оламидан хабарлар» ва «Тафаккур чироғи» рукнидаги мақолалар ҳажми кўпайса, унинг нуфузи яна ортарди. Мени журналхон сифатида бир нарса кўп ўйлантиради. Кўпгина газета ва журналларда суд очерклари берилади. Айбдорлар номма-ном келтирилади. Хатто, мақола сўнггида жиноятчи «фалон йилга озодликдан маҳрум этилди», деб ёзиб ҳам қўйилади. Аммо жиноятчилар қандай қўлга олингани ҳақида ҳеч нарса ёзилмайди. Ҳеч қачон жиноятчи «мен жиноят содир қилдим», деб ИИБ ёки прокуратурага ўз оёғи билан келмайди-ку. Агар журналда прокурор, судья, терговчиларнинг таҳлилий мақолалари бериб борилса жуда яхши бўларди.

Олимжон ЗУФАРОВ,
ўқитувчи, Тошкент шаҳри

• *Республика прокуратурасида*

МАҚСАД БИТТА: ЖИНОЯТЧИЛИКНИНГ ПАЙИНИ ҚИРҚИШ

(Бошланиши 1-бетда)

даги низолар қўшни давлатларнинг ҳам тинч ва осойишта ҳаётига салбий таъсир кўрсатмоқда. Айниқса, у ерда тайёрланган гиёванд моддаларни транзит йўли билан Ўзбекистон орқали Россия ҳудудларига ўтказиш учун ҳаракатлар бўлаяпти. Ҳар куни бу ҳақда оммавий ахборот воситалари боғ урмоқда. Анжуманда муаммолар очиқ - ойдин айтилди. Эндиги вазифамиз жиноятчиликнинг барча турларига қарши биргаликда курашишдан иборат.





Конференцияда Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Туркманистон республикалари вакиллари жиноятчиликнинг олдини олиш ва унга қарши курашда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларнинг амалга ошираётган ишлари , шу соҳадаги муаммо ва ютуқлари ҳақида тўхталиб ўтдилар.

Биз танаффусда тадбир қатнашчилари билан суҳбатлашиб, уларнинг минтақавий анжуманда олган таассуротлари билан қизиқдик.

Скотт Бойлан, АҚШ:

- Ушбу катта минтақавий тадбирнинг Тошкентда ўтишида чуқур рамзий маъно бор. Ўзбекистон Марказий Осиёнинг юрагида жойлашган. Ҳозир таҳликали даврни ўтказаётган Тожикистон ва Афғонистонда тайёрланган жуда катта миқдордаги гиёвандлик моддалари транзит йўли билан Ўзбекистон орқали Россияга, ўндан сўнг эса Европа мамлакатларига «йўл» олмоқда. Ўзбекистоннинг наркобизнес ва терроризмга қарши курашини дунёнинг барча соғлом фикрловчи инсонлари қўллаб-қувватлайди. Ўз халқининг келажагини ўйлаган ҳукумат ана шундай сиёсат олиб боради.

Жуман Эсангулов, Қирғизистон Республикаси:

- Собиқ Иттифоқ тугаганидан сўнг дунё харитасида кўплаб янги давлатлар пайдо бўлди. Ана шулар қаторида Қирғизистон Республикаси ҳам бор. Мамлакатимиз ўз тараққиёт йўлидан кетаяпти. Аммо муаммолар ҳам йўқ эмас. Боткент воқеалари ҳали кўпчиликнинг ёдида бўлса керак. Терроризм нималигини қирғиз халқи яхши билади. Энг асосийси, АҚШ сингари терроризм ва наркобизнесга қарши курашда катта тажриба тўплаган мамлакатларнинг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралари билан ҳамкорлик қилсак, ўйлайманки, ютқизмаймиз.

Болатбек Қолабоев , Қозоғистон Республикаси:

- Бугунги куннинг уюшган жиноятчилари анойилардан эмас. Улар бир неча соат олдин бирон мамлакатда катта жиноятни амалга ошириди-да, зудлик билан бошқа мамлакатга самолётда ёки поездда жўнаб қолади. Албатта, бундай жиноятларни очиш осон кечмайди. Бундай жиноятларни очиш учун биз қўшни мамлакат ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралари билан яқин алоқада бўлишимиз шарт. Бугунги йиғилишимизнинг ҳам бош мақсади шу. Мен бунинг учун ушбу анжуманни уюштирган ташкилотчиларга чин дилдан миннатдорчилик билдираман. Ўйлайманки, Тошкентда айтилган таклифларни ҳаётда қўллаймиз. Ҳар томонлама ҳамкорликни ривожлантирамиз.

Маъруфжон Усмонов, Ўзбекистон Республикаси:

- Тўғриси, анжумандан кўп ахборот олдик. Қўшни мамлакатларда жиноятчиликнинг олдини олиш ва унга қарши курашдаги ютуқ ва муаммолардан хабар топдик. Ўзимизда бу соҳадаги ишларни таҳлил қилдик. Анжуман ҳақида айтадиган бўлсам, давр биздан ҳамкорликда ишлашни талаб қилмоқда.

Терроризм ва наркобизнес - аср жинояти сифатида тарихда қолмоқда. Энг даҳшатлиси, бегуноҳ инсонларнинг қони тўкилмоқда. Фожеаларга нуқта қўйиш учун биргаликда курашадиган вақт келди. Ўйлайманки, ушбу анжуман улкан ишларнинг бошланиши бўлади.

Минтақавий анжуман ўз ишини давом эттирмоқда.

(Ўз мухбиримиз)

САЙЛОВ ҲУҚУҚИНИНГ КАФОЛАТЛАРИ

Конституциямизнинг олий даражадаги умуминсоний қадриятларга ва демократик тамойилларга содиқ эканлиги тўғрисидаги қоидалари Ўзбекистон Республикасининг Сайлов тўғрисидаги қонунларида ўз ривожини топган. Уларнинг туб негизини ташкил қилувчи энг асосий қоидалардан бири бу - давлат фуқароларининг сайлов ҳуқуқлари кафолатини ўз зиммасига олганлигидан иборатдир. Ушбу саҳифамиз газетхонларимиз саволлари асосида тайёрланди.

Сайловларни ўтказишда янгиликлар кўплигини эшитиб турибман. Мени ҳам баъзи бир саволлар қизиктираяпти. Масалан, агар менинг фамилиям сайловчилар рўйхатида йўқ бўлса, сайловда қатнашмасам ҳам бўлаверадими?

А.Шодиев.
Тошкент вилояти, Ангрен шаҳри

Конституция ва сайлов тўғрисидаги қонунларда сайловларни ўтказиш жараёнининг қуйидаги учта босқичи қонунан мустаҳкамлаб қўйилган. Биринчидан, сайловларга тайёргарлик кўриш, иккинчидан, бевосита сайловларни ўтказиш жараёни ва учинчидан эса сайловларни якунлаш сингари босқичлардан иборат. Фуқароларнинг сайлов ҳуқуқлари сайловларни ўтказиш жараёнининг мазкур босқичларида қай даражада кафолатланади? Масалан, сайловларни ўтказишга тайёргарлик кўриш давомида сайлов кунига қадар ёки сайлов кунида 18 ёшга тўлган, тегишли сайлов участкаси ҳудудида доимий ва вақтинча истиқомат қилиб турган Ўзбекистон фуқароси сайловчилар рўйхатига кирмай қолган бўлса ёки рўйхатда қандайдир хато ва ноаниқликлар борлиги аниқланса, бундай ҳолларда сайловчи сайлов комиссиясига арз қилиш ҳуқуқига эга. Сайлов комиссияси мазкур аризани 24 соат ичида кўриб чиқиб, унинг натижаси тўғрисида, яъни хатони тузатиш ҳақида ёки аризани асосли равишда рад этганлиги хусусида маълумотнома бериши шарт.

Овоз бериш варақасини бузиб қўйган сайловчи овоз бериш имкониятидан маҳрум бўладими?

ХОЛИДА, талаба,
Тошкент шаҳри

Сайловчилар ҳуқуқларини кафолатлаш бизнинг қонунимизда қатъий мустаҳкамлаб қўйилган. Масалан, овоз бериш куни сайловчиларга бузиб қўйилган сайлов бюллетенини янгиси билан алмаштириб олиш кафолатланади. Бузиб қўйилган сайлов бюллетенлари ҳисобга олиниши, бекор қилиниши ва алоҳида сақланиши лозим. Сайлов бўладиган куни айрим сабабларга кўра ўзларининг доимий турар жойида бўлиш имкониятига эга бўлмаган сайловчилар эса олдиндан овоз бериш ҳуқуқи билан таъминланади.

Овоз бериш тартиби, вақти ҳақида тўлароқ маълумот берсангизлар.

Ш.НАВРЎЗОВ,
Бухоро вилояти

Овоз бериш махсус ажратилган биноларда ўтказилиб, бу биноларда яширин овоз бериш учун етарли миқдорда кабиналар ёки хоналар тайёрланган бўлиши, сайлов бюллетенларини бериш учун жой ажратилган ва сайлов кутилари қўйилган бўлиши лозим. Овоз бериш биносида бошқа ҳеч қандай сиёсий тадбир ўтказилишига рухсат этилмайди. Овоз бериш сайлов куни соат 6.00 дан соат 20.00 гача ўтказилади. Овоз бериш вақти ва жойи тўғрисида участка сайлов комиссияси сайловга камида 10 кун қолганда сайловчиларни хабардор қилади.

Сайлов куни овоз бериш биноси участка сайлов комиссияси аъзоларининг камида учдан икки қисми ҳозир бўлгандагина очилади.

Овоз бериш биносига келгач, сайловчи участка сайлов комиссисининг аъзосига ўз шахсини тасдиқловчи ҳужжатини кўрсатади ҳамда рўйхатга имзо қўяди. Шундан кейин унга сайлов бюллетени берилади.

Сайлов бюллетени овоз берувчи томонидан яширин овоз бериш кабинаси ёки хонасида тўлдирилади. Сайлов бюллетенини тўлдириш вақтида овоз берувчидан бошқа шахсларнинг ҳозир бўлиши тақиқланади. Сайлов бюллетенини мустақил равишда тўлдириш имкониятига эга бўлмаган сайловчи ўз хоҳишига кўра, сайлов комиссияси таркибига кирмаган шахсни, кузатувчилар ва ишончли вакилларни кабина ёки хонага таклиф қилишга ҳақлидир. Сайловда сайловчи ўзи қарши овоз бераётган номзодларнинг сайлов бюллетенидаги фамилияларни ўчиради. Тўлдирилган бюллетенни овоз берувчи сайлов кутисига ташлайди.

Ҳозир сайлов округларининг аксариятидан 4-5 тадан ва хатто ундан кўп номзодлар қўйилган. Мабодо, уларнинг бирортаси ҳам сайланмай қолса, ёхуд сайлов ўтмай қолса нима бўлади? Қайта сайлов ўтказиладими?

Ж.АБДУКАРИМОВ,
Жиззах шаҳри

Сайлов округи бўйича депутатликка икки нафардан ортиқ номзод қўйилган бўлса-ю, улардан бирортаси ҳам сайланмаса, бундай ҳолда округ сайлов комиссияси энг кўп овоз олган икки нафар номзод бўйича округда такрорий овоз бериш ўтказиш ҳақида қарор қабул қилади ва бу хусусда тегишли сайлов комиссияси ҳамда округ сайловчиларини хабардор қилади. Такрорий овоз бериш икки ҳафта ичида Ўзбекистон Республикасининг амалдаги сайлов тўғрисидаги Қонунларининг асосий талабларига риоя қилган ҳолда ўтказилади.

Сайлов округи бўйича сайлов ўтмаган, ёхуд ҳақиқий эмас деб топилган бўлса, такрорий овоз бериш сайланган депутатни аниқлаш имкониятини бермаган бўлса, шунингдек сайлов округи бўйича депутатликка кўпи билан икки нафар номзод овозга қўйилган бўлса ва улардан бирортаси ҳам сайланмаган бўлса, бундай ҳолда такрорий сайловлар ўтказилади. Такрорий сайлов тегишли сайлов комиссиясининг топшириғига биноан округ сайлов комиссияси томонидан ўтказилади. Бунда тегишли сайлов комиссияси такрорий сайлов янги таркибдаги округ ва участка сайлов комиссиялари томонидан ўтказилиши зарурлиги тўғрисида қарор қабул қилиши мумкин.

Саволларга жавобларни
Адлия вазирлигининг масъул ходими Э.САЙИТОВ тайёрлаган

МЕН ХДП НОМЗОДЛАРИГА ОВОЗ БЕРАМАН!

Ҳақиқатан ҳам, сайловлар туманимизда ўзгача руҳ, ўзгача шукуҳ билан ўтишига ишонаман. Чунки 5 та сиёсий партияларнинг тенг ҳуқуқли иштирокини таъминлашда, сайловларнинг қизғин ўтиши ушбу сиёсий партияларга боғлиқ. Мен халқ демократик партияси аъзоси сифатида ХДП номзодларига овоз бераман, уларни қўллаб қувватлайман.

Фарҳод НОРҚОБИЛОВ,
Қарши туман «Камолот» жамғармаси раиси ўринбосари

Таҳририятдан:

Мамлакатимизда давом этаётган сайлов кампаниясининг ўта масъулиятли эканлигини халқимиз юракдан ҳис этмоқда. Асосийси, фуқароларимиз номзодларини сайлаш масаласига бефарқ эмаслар. Уларнинг сайлов ҳақидаги матбуот чиқишларини изчиллик билан кузатиб боришаётганлигини Ф.Норқобиловнинг таҳририятимизга сим қоқиб баён қилган юқоридаги фикрларидан ҳам билсак бўлади. Маълум бўлишича, газетамизнинг ўтган сонида эълон қилинган «Қандай номзодга овоз берасиз?» сарлавҳаси остида берилган репортажда Ф. Норқобиловнинг фикри жамоатчи мухбиримизнинг янглишиши туфайли сал ўзгартириб берилган экан. Хушёр сайловчининг айтар сўзини эса биз юқорида келтирдик. Биз бундай сайловчиларни ҳар доим қўллаб-қувватлаймиз.

• *Муаммо*

ҚОРНИ ТЎҚ

ЁХУД ИСЛОҲОТ КИМ УЧУН ХИЗМАТ ҚИЛМОҒИ КЕРАК?

Музработ туманидаги «Туркистон» деҳқон-фермер хўжаликлари уюшмаси ҳудудида жойлашган аксарият қишлоқлар Бешқўтон чўлига ҳужум бошланган эллигинчи йиллар охирида пайдо бўлган. Бу масканларда ҳозир ҳам кўплаб «қалдирғоч» чўлқуварлар истиқомат қилишади.

Исмоил Азизов тўқсонинчи йиллар бошида шу жамоага раҳбарлик қилган. Эсингизда бўлса, ўша кезлари ўткир ижтимоий муаммоларечимига алоҳида эътибор бериларди. 1990 йилда республикамиз Президенти «Қишлоқ аҳолисини тоза ичимлик суви ва табиий газ билан таъминлаш тўғрисида» Фармон чиқарди. Энг муҳими, шу мақсадда давлат хазинасидан катта маблағ ажратилди. Бунинг эвазига бошқа ўлкалардан турли хил қувурлар узлуксиз етказиб бериларди. Айрим тадбиркор раҳбарлар эса мол айирбошлаш йўли билан ҳам кўп нарсани олиб келишди.

Виждони, ор-номуси бор амалдор енг шимариб ишга киришиб кетди. Бир-икки йил ичида кўплаб қишлоқлар, хўжаликлар, ҳатто бутун-бутун туманлар тўлиқ газлаштирилди. Аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш борасида ҳам катта ютуқларга эришилди.

Азизов эса кўл қовуштириб юрди. Ҳатто тақсимот бўйича берилган вагон-вагон қувурни ҳам гумдон қилди. Нима қилганини ўзи билади. Бироқ шуниси аёнки, бир метр жойга ҳам табиий газ ёки ичимлик сув қувури ётқизилмаган.

Раис ниқоятда қулай фурсатни қўлдан бой берганди. Умуман, у халқ кўнглига йўл тополмади. Фақат ўз манфаатини ўйлади. Табиийки, бундан одамлар қаттиқ ранжиди.

Замона зайли билан 1993 йили раислик лавозимига сайлов ўтказилди. Унда кўпчилик бошқа номзодни ёқлаб овоз берди. Азизов бўлса, «учиб» кетди.

У анойи эмас. Яна қаддини ростлаб олди. 1997 йил хўжалик раҳбари курсисини иккинчи бор эгаллади. Албатта, ҳалол сайлов йўли билан эмас, баъзи бир баднафс амалдорларнинг ҳомийлиги туфайли.

Очиғи, одамлар ҳам бағрикенглик қилишди. «Бир марта лешонасидеворга урилди. Энди кўзи очилгандир. Аввалги хатоларини такрорламас. Бир жойнинг халқимиз. Майли, ишласин», деган ўй-андишага боришди.

Ундан жамоанинг талаб-илтимоси битта эди. «Раис, бошқаси майли. Ҳаммасига чидаймиз. Сиз қишлоқларни газлаштиришга эътибор беринг. Агар шунинг уддасидан чиқсангиз савобга ботасиз. Ҳамма сиздан миннатдор бўлади». Бу гаплар минг марта айтилган бўлса керак. Афсуски, бугал ҳам шунча таваллолар Азизовнинг у қулоғидан кириб бунисидан чиқиб кетди. Уч йил мобайнида лоақал бирон хонадонга табиий газ ёки ичимлик суви ўтказилган эмас.

Хўжалик ҳудудида 10 та қишлоқ бор. Уларда 15 мингдан ортиқ киши яшайди. Ана шунча аҳоли табиий газдан бутунлай бебаҳра. Буни кўя туринг, илгари баллонларда суюлтирилган газ сотиб юришарди. Кўп йиллардан буён шуни ҳам келтирмай қўйишди. Айтишларича, мутасадди раҳбарлар юқорига аллақачон «Ҳамма жой газлаштирилган» қабилида маълумот бериб юборишган эмиш.

Ичимлик сув қувурлари асосан етмишинчи йиллар атрофида тортилган. Бир қисми вақт ўтиши билан занглаб-чириб, ишдан чиққан. Ҳар-ҳар жойда биттадан жўмрак ўрнатилган, холос. Кейинчалик қурилган ҳовли-жойлар эса ана шу қулайликдан ҳам маҳрум.

Энг ёмони шундаки, уюшма аҳолиси истеъмол қилаётган нерстик сувни тегишли ташкилотлар томонидан қайта-қайта текширилиб, унинг таркибида туз ва инсон саломатлигига зарарли бўлган бошқа моддалар меъёрдагидан ортиқ эканлиги аниқланмоқда. Ундан бир бор ичган ҳар қандай одам бу гаплар нақадар ҳақ эканлигини дарҳол англайди. Оддий қилиб айтганда, бу сув шўр ва тахир. Шу боис бўлса керак, аҳоли ўртасида буйракда, ўтхалтасида туз тўпланиш, ўткир ошқозон-ичак, гепатит ва шунга ўхшаш ҳар хил касалликларга чалинаётганлар кўп. Эндиликда ўқувчиларни мактабга қайнатилган сув олиб келишга мажбур қилишмоқда.

Тумандаги кўп хўжаликларга тоғлардаги булоқ суви келтирилган. «Туркистон» ликларни ҳам мана шу обиҳаётдан баҳраманд этиш имконияти йўқми?

...А. Набиев номли деҳқон-фермер хўжаликлари уюшмаси етмишинчи йилларда ташкил этилган. Шунга қарамасдан жамоа раҳбари Учқур Ғаффоровнинг тадбиркорлиги туфайли бу ерда қишлоқларга табиий газ ўтказиш саксонинчи йиллар ўрталарида бошланган эди. Бу хайрли иш тўрт-беш йил ичида асосан якунланди, десак янглишмаймиз. Бошқа бир хўжаликнинг ҳатто товуққонасига табиий газ олиб келинганини ҳам гапириб юришади. Хуллас, атрофдаги хўжаликларда «зангори олов» ёнмаган хонадон қолмаган, ҳисоб.

Кези келди айтай: Исмоил Азизов раис сифатида умуман халққа нафи тегадиган иш қилгани йўқ. Тиббиёт, халқ таълими, савдо, маиший хизмат кўрсатиш тизимлари учун бирор хона тиклатган бўлса айтсин?! Чанг-тўзон қишлоқ кўчаларига ҳеч бўлмаса тошшагал тўктириш хаёлига келмайди. Кичик саноат корхоналари барпо этиш ҳақида-ку, гапириб ўтиришнинг ҳам ҳожати йўқ.

Раиснинг ўзи эса «гуллаб-яшнаяпти». Пишиқ ғиштдан икки қаватли кошона қурдирган. Уйи солярка билан ишлатиладиган ситиш тармоғига эга. Раис кўпдан буён оила аъзолари билан қирқ-эллик чақирим наридаги тоғ булоғидан ташиб келтириладиган зилол сувдан ичади. Қисқаси қорни тўқ. Рўзғори бут. Қайғуси йўқ. Дарвоқе,

• *Ҳар тўғрида*

ҚОЧОҚ КУРСАНТЛАР

Яқинда ташкил этилган Петропавловскдаги олий ҳарбий ўқув юртидан курсантлар ротаси қочиб кетишди. Лекин Қозоғистон армиясининг бўлажак ёш офицерлари тезда қўлга тушдилар, айримлари ўзлари қайтиб келишди. Қочиб кетишнинг асосий сабабларидан бири бу ерда ўрнатилган ўқитиш услублари, деб ҳисобланмоқда. Ҳозирги кунда ҳарбий ўқув юртида бўлиб ўтган ушбу воқеанинг «разборка»си бошлаб юборилди.

СЕЛИН ДИОН ВА ФОНОГРАММА

Кейинги пайтларда оламга машҳур қўшиқчи канадалик Селин Дионнинг боши турли хил машмашалардан чиқмай қолди. «Титаник» фильми учун айтган қўшиғи унга катта муваффақият билан бирга омадсизлик ҳам олиб келди.

У яқинда ўз ансамблидаги созандалардан бири билан судлашишига тўғри келди. Чолғучининг судга берган даъвосида айтилишича, Селин Дион уни бундан тўрт йил аввал ноқонуний равишда ишдан бўшатиб юборган экан. Шу билан бирга у Дион концертларда фонограммадан фойдаланишини айтиб ўтган. Дион бу айбларнинг ҳаммасини уюштирилган туҳмат деб, собиқ чолғучисига нисбатан қарши даъво қўзғатди.

Лекин Селин Дион айрим қўшиқларига янада замонавийлик бахш этиш ва уларнинг технологик темпини оширишда фонограммадан фойдланишини айтган.

• *Қонун олдида ҳамма тенг*

МАСЪУЛИЯТСИЗЛИК ҚИЁФАСИ

(Бошланиши 2-бетда)

дики, 1998 йилда санацияга тушган кўпчилик хўжаликлар пухта ўйланган режаларга асосан иш олиб борилганлиги натижасида ғалла, пахта етиштириш ва давлатга сотиш бўйича белгиланган топшириқларни бажардилар, уларда ишлаб чиқаришни бошқариш даражаси ошди. Ҳисобга олиш тизими тартибга солинди ҳамда молиявий аҳволи яхшиланди. Лекин эришилган ютуқлар билан бир қаторда, санация жараёнини амалга оширишда масъулиятсизликларга, баъзан эса қонун бузилишларига ҳам йўл қўйилаётганлиги аниқланди.

Бошқармамиз кучи билан шу йилнинг май ойида мазкур қонун ва унга оид ҳукумат қарорларининг Қорақалпоғистон Республикаси хўжаликларида бажарилиш аҳволи бўйича текшириш ўтказилди.

Рақамларга эътибор берадиган бўлсак, 1998 йилда санацияга тушган 14 та хўжалик бўйича ўтган йилда 147 км. ташқи коллектор-дренажларнинг тозаланиши режалаштирилган бўлиб, шундан жорий йилнинг 1 майига қадар 120 километри тозаланган, холос.

Санациялашнинг муҳим ҳисобланган шартларидан яна бири санацияга тушган хўжаликларга ташқи бошқарувчини тайинлашдир. Яъни бу санацияга тушган хўжаликларни бошқаришнинг ўзига хос услуби бўлиб, унда демократик принциплардан бир оз чекинилади ва хўжаликни бошқариш, унинг мол-мулкини тасарруф этиш ҳуқуқи ҳамда мажбуриятлари ташқаридан тайинланган бошқарувчига ўтади. Ташқи бошқарувчи туман ҳокими томонидан тайинланади.

Биз Қорақалпоғистонда ўтказилган текширишларда ҳайратланарли бир ҳолатга дуч келдик.

Фуқаро Т.Розумов Тўрткўл туманидаги «Уллубоғ» деҳқон-фермер хўжаликлари уюшмаси раиси лавозимида ишлаб келган даврида уюшма 1998 йилни 32 млн. 364 минг сўмлик зарар билан якунлаб, санацияга тушган.

Ажабланарлиси шуки, уюшма санацияга тушганидан сўнг ҳам Т.Розумовнинг ўзи шу уюшмага ташқи бошқарувчи этиб тайинланган.

Прокуратура томонидан хўжаликнинг Т.Розумов ишлаган даврлардаги молиявий-хўжалик фаолияти текширилганида, уюшма тумандаги «Жанубий» қурилиш ташкилотига хизмат кўрсатиш учун 409 минг сўм ўтказиб берганлиги, лекин қурилиш корхонаси бирор-бир иш бажармаган бўлса-да, бу қарзларни ундириш чораси 1997 йилдан буён кўрилмаётганлиги маълум бўлди.

Уюшма санацияга тушганидан сўнг ҳам Т. Розумовнинг айби билан пахта экиш мавсумида уруғлик белгиланган меъёридан 6 тонна 210 кг. ортиқ сарфланган, уюшмага қарашли бўлмаган 8 та фермер хўжаликларига уларнинг бирон-бир эҳтиёжларисиз 4 тонна, яъни 102 минг сўмлик уруғлик чигит, жорий йилнинг май ойида эса раҳбарлари муқаддам талон-тарожлик жиноятлари учун жиноий жавобгарликка тортилган тумандаги бўрдоқичилик базасига 454 минг сўмлик 15 бош йирик шохли моллар қонунсиз бериб юборилган.

Мана шунга ўхшаш ҳолатлар санация жараёнининг боришига, бу борада қонун ва ҳукумат қарорларининг тўлиқ бажарилишига тўсқинлик қилмоқда, деб ҳисоблайман.

— Корхона ва ташкилотлар ўртасида ҳисоб-китобларни ўз вақтида амалга ошириш, ўзаро тўлов интизомига риоя қилиш халқ хўжалигидаги иқтисодий барқарорликни таъминлаш, уни мустаҳкамлаш ва ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этадиган омилдир. Буни барча раҳбар ва айниқса, иқтисодчиларимиз яхши билишади. Лекин нимагадир бу талабга аксарият мансабдор шахслар риоя қилиш-маяпти?

— Менимча, боқимандаликдан халос бўлиб бозор иқтисодиёти шароитида мулкни бошқаришнинг давр талабларига хос хусусиятларини тушуниб етган ҳар бир мансабдор шахсга тўлов интизомини, ўзаро ҳисоб-китоблар тизимини бузиш ўз навбатида корхоналарнинг молиявий аҳволини ёмонлаштиришини қайта-қайта уқтиришнинг ҳожати бўлмаса керак. Бироқ корхона ва ташкилотларда муддати ўтган дебитор ва кредитор қарзларининг олди олинмаётганлиги, айрим тармоқларда бу қарзлар йилдан-йилга ўсиб бораётганлиги ташвишли бир ҳол бўлиб қолмоқда.

Ярим йил якунларига кўра муддати ўтган дебиторлик қарзлари 73 миллиард 609 млн. сўмни, муддати ўтган кредиторлик қарзлари эса 161 миллиард 326 млн. сўмни ташкил қилган. Бу кўрсаткичлар, айниқса, «Ўзнефтгаз» Миллий холдинг компанияси, Энергетика ва электрлаштириш вазирлиги, Коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, «Ўзкимёсаноат» ассоциацияси тизимларида юқори бўлиб қолмоқда.

Газетхонларнинг эътиборини бир мисолга қаратсак.

«Ўзкимёсаноат» уюшмасига қарашли Олмалиқ маиший кимё заводининг собиқ директори В.Туркин, унинг ўринбосари В.Чибисовлар 1994-1996 йиллар давомида Ўзбекистон республикасидан Россия ва Белорусь давлатларидаги бир нечта хусусий корхона ва фирмаларга уларнинг молиявий аҳволини ўрганиб чиқмасдан шартномаларга асосан маиший кимё маҳсулотлари жўнатиб келишган.

Бу корхоналар дастлаб жўнатилган маҳсулотлар учун ҳақни шартномада белгиланган муддатларда тўламаган бўлсалар-

РАИС

яқинда эскисига қаноат қилмай янги русумдаги «УАЗ» хизмат автомашинасини олди. Бу «жонивор»нинг нархи қарийб тўрт миллион сўм. Биздаги маълумотларга кўра уни қишлоқ хўжалик техникаларига эҳтиёт қисм харид қилиш учун ажратилган маблағ ҳисобидан сотиб олган.

Азизов ўз жонининг қадрини билади. Дастурхони тўкин-сочинлигини, роҳат-фароғатини ўйлайди. Бу йўлда ҳатто қонунбузарликдан ҳам тап тортмайди. Нега халқ учун қайғурмайди? Унга мансаб фақат ўз хузур-ҳаловатини ўйлашу чун берилганми?

Одамларнинг Азизовдан ихлоси бутунлай қайтди. Қўли ишдан совиди. Шу боис ишлаб чиқариш соҳасидаги режалар ҳам барбод бўлмоқда. Ўтган йили давлатга пахта ва ғалла топшириш бўйича берилган буюртма бажарилмай қолган эди. Бу йилги мавсум якуни эса янада ачинарлидир. Қабул омборхоналарига 3230 тонна ўрнига аранг 1725 тонна ғалла етказиб берилди. Буюртма зўрга 53,4 фоизга бажарилди, холос. Пахтачилик соҳасида ҳам аҳвол бундан яхши эмас.

Уюшманинг иқтисодий аҳволи ночор. Шунга қарамасдан ҳуда-беҳуда харажатлар кўп. Ана шундай масъулиятсизлик туфайли хўжалик қулоғигача қарзга ботган.

Шу йилнинг 1 июнь ҳолатида уюшманинг кредиторлик қарзи 90 миллион 992 минг сўмга етди. Ажабо, аҳолининг турмуш шароитини яхшилаш, қурилиш-ободончилик борасида айтишга арзигулик бирор иш қилинмаган бўлса, бунча маблағ қандай мақсадда сарфланган?

Бир нарсадан ҳайрон қоласан киши: хўш, раиснинг хаёли бошқа ёқда экан, нега туман, қолаверса вилоятдаги мутасадди раҳбарлар унинг ҳушини жойига келтириб қўйишмайди? Нега ундан юқорида қайд этилган Президент Фармонини бажаришни талаб қилишмайди? Нега томошабин бўлиб юришибди? «Туркистон» деҳқон-фермер хўжаликлари уюшмаси ҳудудида яшовчи аҳоли қачон тоза ичимлик сув ва табиий газдан баҳраманд бўлишади? Бу ҳақда ким ўйлаши керак?

Республикамизда амалга оширилаётган барча ислоҳотлар халқ турмуш шароитини яхшилаш ва фаровонлигини оширишга қаратилган. Юртбошимизнинг амалдорларга қарата айтган пурмаъно бир гапи бор: «Халқ биздан рози бўлсин». Айтингчи, бу ўринли даъват Азизов кабиларга ҳам тегишли эмасми?

Қурбон ЖЎРАНАЗАРОВ,
«Ҳуқуқ»нинг махсус мухбири

• *Жиноят ва жазо*

ТАЪМАГИР

Бахт нима ўзи? Пулми, обрўми, молу давлатми? Балки у умуман мавжуд эмасдир. Инсон хеч качон тўкис бахтли бўлган эмас. Доим бир кемтик жойи чикиб туради. Бир хисобдан шундай бўлгани хам маъкулдир. Хаётнинг мазмуни хам ана шу бахт сари интилишда эмасми?
Аммо бу тушунчанинг турли кўринишлари хам борки, у хар кимнинг ўз қарашига боғлик. Баъзилар усти бут, корни тўқлигига қаноат килса, баъзилар «битиб» кетган бўлсада, «яна бўлса» дея беш қўлини оғзига тикади. Баъзан бунинг учун қонунни бузишдан хам тап тортишмайди. Аммо бу бахтнинг бахтсизлик эканлигини билиб туриб билмасликка олишлари ачинарли.

Маҳамматжон ёмон яшамасди. Гулдек оиласи бор эди. Бунинг устига кимсан, божхона бошқармасида катта инспектор-суриштирувчи лавозимида ишларди. Аммо нима бўлди-ю, унинг кўнглига шайтон оралади: «Одамлар нималар қилмаяпти. Бировларнинг яшашини кўр. Егани олдида, емагани кетида. Ҳозир ҳар икки-тадан биттасининг «сотка»си бор. Айтишларича унинг минути пул турармиш. Қаердан топишаркин-а...» Маҳамматжоннинг хаёлини шу каби ўйлар кемирарди. Ўзича режалар тузар, аммо ҳеч бири кўнглига ўтирмасди. Эҳ, орзу орзулигича қоларкан-да?

Шундай кунларнинг бирида, Янгийўл туманидаги «Бобур» божхона масканида хизмат вазифасини ўтаётган чоғида бир нотаниш йигит келиб ўзини Ҳусан Тожиқориев деб таништирди:

- Ака, 9 тоннача карам бор эди. Шуни Қозоғистонга ўтказмоқчи эдим,- деди.

Маҳамматжон кўпдан бери ўзига тинчлик бермай келаётган режаларини амалга ошириш пайти келганлигини пайқаб ич-ичидан севинди.

- Гап йўқ-да. Фақат оз-моз харажати бўлса бўлгани. Ахир, сиздан угина, биздан бугина деган гап бор. Мушук ҳам бекорга офтобга чиқмайди, оғайни.

Гап нима ҳақда кетаётганини англаб етган Ҳусан Тожиқориев унга савол назари билан қаради. Унинг бу қарашида «Қанча» деган саволни илғаб олиш қийин эмасди.

- Тушунган йигит экансиз,- хурсандлигини яширмади Маҳамматжон, - 15 минг берсангиз бўлди. Эртага ҳеч қандай ҳужжатсиз юкингизни ўтказиб юборамиз. Йигит битта гапиради.

-Узр, менда ҳозир фақат 9600 сўм бор эди.

- Ҳа, майли. Фақат эртага нақд олиб келасиз.

Ўша куни эртага тушадиган даромадни ўйлаб Маҳамматжоннинг кайфияти ўзида йўқ даражада эди. Ишнинг бундай осон кечиши унинг хаёлига ҳам келмаганди-да...

Эртаси куни келишилган пайтда божхона масканига ЗИЛ-133 русумли юк автомашинаси келиб тўхтади. Ундан Ҳ.Тожиқориев тушиб келиб, Маҳамматжонга пулни узатди.

- Ҳаммасими? - сўради Маҳамматжон у ёқ, бу ёққа ҳадиксираб қараб олиб.

Тасдиқ ишорасини олгач, шлагбаумни кўтарди.

Юк машинаси атрофга тутун пуркаганча божхона масканидан узоқлашди. Маҳаммат-жон бир даста пулни чўнтагига соларкан. мийиғида кулиб қўйди, «тер тўкмай пул топса ҳам бўларкан-ку».

Бироқ унинг хурсандчилиги узоққа чўзилмади. Чегарадан ўтган юк машинасини йўлда милиция ходимлари тўхтатишди. Текшириб кўрилгач, юк ҳужжатлаштирилмай божхона масканидан ўтказилганлиги аниқланди. Довдираб қолган Ҳусанбой ҳам тезда «сайраб» қўя қолди.

Шундай қилиб, Маҳамматжон Умархўжаев унга ишониб топширилган маъсулиятли вазифани ўз нафси йўлида суиистеъмол қилиб, суднинг қора курсисига ўтиришга мажбур бўлди. Суд уни айбдор деб топиб 3 йилга озодликдан маҳрум этди.

Умуман, порахўрлик, таъмагирлик каби иллатлар одатга айланиб бормаяптимикан? Бу иллатларнинг олдини олиш учун нималар қилиш керак? Назаримда бугун бу каби саволлар ҳар биримизни ўйлантириши керак. Муаммонинг ечимини топиш учун барча бирдек ҳаракат қилмас экан, у кўндаланг савол бўлиб қолаверади.

Т.КАМОЛОВ,
Тошкент вилоят прокуратураси бўлим прокурори

да, уларга яна маҳсулот жўнатишиб, заводга 2121, 5 минг сўмлик моддий зарар етказилишига сабабчи бўлганлар. Бунинг устига юзага келган дебиторлик қарзларини ундириш чораларини кўрмасдан уларни ҳисобдан чиқаришган.

Ушбу ҳолат бўйича Туркин ва Чибисовларга нисбатан жиноят иши қўзғатилиб, тегишли жазо чоралари белгиланди.

Шуни қайд этмоқчиманки, Республикамиз Президенти шу йилнинг 24 июль куни Вазирлар Маҳкамасида иқтисодий ислоҳотларнинг 6 ойлик якунларига бағишлаб ўтказилган йиғилишда сўзлаган маърузаларида пассив қарама-қаршиликлар ҳақида гапириб, «Олиб борилаётган сиёсатга қўшилишади, уни маъқуллашади-ю, бироқ унинг боришига тўсқинлик қилишади», деган фикрлари юқорида келтирилган мисолдаги каби масъулиятсиз раҳбарларга қарата айтилган аччиқ ҳақиқат ва берилган одилона баҳо бўлса керак.

— Бозор иқтисодиёти шарои-тида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш муҳим аҳамият касб эта-ди. Мазкур йўналишдаги қонунлар-нинг бажарилишида ҳам камчи-ликлар учрайдими?

— Ҳақиқатан ҳам, кимнингдир маоши юқори, яна кимнингдир бир қанча даромад манбалари бўлса-ю, бошқа кимдир иқтисодий танг аҳволда бўлган бир пайтда аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қисми ҳақида бош қотирмасликнинг ўзи адолатсизлик бўлса керак. Шунинг учун ҳам давлатимиз иқтисодий ислоҳотларнинг дастлабки босқичлариданоқ аҳолининг муайян қисми қашшоқлашувининг олдини олиш чора-тадбирларини кўриб, одилона йўл тутди. Бундай ҳимоялаш энг кам ва ўртача иш ҳақлари миқдорининг мунтазам ошириб борилишидан, муҳим истеъмол товарларининг батамом йўқ бўлиб кетишининг олдини олишдан, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қисмига айрим имтиёзлар берилиши каби имкониятлар яратилишидан иборат бўлди. Бироқ аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишга қаратилган қонунлар доимо бир хилда қатъият билан бажарилаяпти, деб бўлмайди.

Республика Прокуратураси томонидан Вазирлар Маҳкамасининг «Кам таъминланган оилаларни ҳисобга олиш, моддий ёрдам тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида» ги Низоми ва Республика Президентининг «Болали оилаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш тўғрисида»ги Фармони талабларининг ижроси юзасидан ўтказилган текширишларда нафақа олувчиларнинг аризаларини қабул қилишни ёки уларни қаноатлантиришни асоссиз рад этиш, нафақа пулларини жиноий йўл билан талон-тарож қилиш ва ўзлаштирилишига йўл қўйилаётганлиги аниқланди.

Хусусан, Бухоро вилоятида 567та оилага 1,5 млн. сўм , Самарқанд вилоятида 194 та оилага 992 минг сўм, Фарғона вилоятида 513 та оилага 527,3 минг сўм миқдоридаги нафақалар ноқонуний тўланиб, ижтимоий муҳофазага муҳтож юзлаб оилаларнинг аризалари асоссиз рад этилган.

Эътибор қилинг: бирор-бир асосларсиз маҳаллий бюджетдан кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам тариқасида пул маблағлари ажратилмаётганлиги рўкач қилиниб, Фарғона вилоятининг Қўқон шаҳридаги Алишер Навоий маҳалла кўмитасининг 1998 йил 14 апрелдаги қарори билан ижтимоий муҳофазага муҳтож бўлган М.Мадумаров ва М.Аҳмедовларнинг оилаларига моддий ёрдам тайинлаш рад этилган. Янгийўл туманидаги «Халқобод» қишлоқ фуқаролар йиғинида яшовчи 8 та оилага бюджет танқислиги баҳона қилиниб, шу йилнинг февраль ойидан бошлаб моддий ёрдам тўхтатилган.

Шу билан бирга, айрим мансабдор шахслар мамлакатимизда олиб борилаётган ижтимоий сиёсатдан жиноий мақсадларда фойдаланиб, бюджет маблағларини талон-тарож қилиб келганлар.Масалан, Самарқанд вилоятининг Боғишамол туманидаги «Тўпхона» маҳалласи раиси З.Мўминова халқ банки бўлими назоратчиси С.Нажмиддинова билан жиноий тил бириктириб, қалбаки ҳужжатлар расмийлаштириш йўли билан ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлмаган оилаларга, шу жумладан, ўзининг қизлари Н.Мўминова ҳамда Н. Ражабова, Н.Ибрагимоваларга нафақа тайинлаб, давлат бюджетига 680 минг сўм миқдорида зарар етказган ва бу билан бошқа фуқаролар ҳуқуқларининг бузилишига сабабчи бўлганлар.

Албатта, бундай мисолларни кўп келтириш мумкин. Лекин мақсадимиз оммага ҳақиқатни етказиш, қонунбузарликлар жойлардаги айрим масъул мансабдор шахслар томонидан содир этилаётганлигини, прокуратура идоралари томонидан бунинг олдини олиш бўйича барча қонуний чоралар кўрилаётганлигини билдиришдан иборат.

Сухбатдош: Мехри БОЛЛИЕВА,
«Ҳуқуқ» мухбири



Она табиат мўъжизаси



Мен Сизларга бир масала юзасидан мурожаат қилмоқчиман. Синглим 1998 йил 13 октябрь куни вафот этди. Ундан тўрт бола етим қолди. Фарзандларнинг иккитасини тоғамиз ўз фарзандлигига олди. Лекин тоғамнинг хотини касалманд бўлиб, у тез-тез даволаниб туради, бунинг устига яқинда 2 та боласи сариқ касал бўлди. Янгам шу сабаб болаларга қараш учун унчалик вақти бўлмади. Ўзи шундоғам уларнинг оилавий аҳволи оғир. Болалар сарсон бўлмасин деб уларни уйга олиб келдим. Мен шу болаларни ўзим тарбиялаб вояга етказмоқчиман. Лекин мен уларга она эмас, балки хола сифатида қолишни истайман. Шунинг иложи борми?

Дилором ЧЎЛИЕВА, Қашқадарё вилояти, Касби тумани

Оила кодексининг талабига мувофиқ, сиз айтиб ўтган ҳолатга йўл қўйилади. Бу васийлик деб аталади. Васийлик ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болаларга таъминот бериш, уларни тарбиялаш ва таълим бериш, шунингдек болаларнинг шахсий ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш мақсадида белгиланади. Бунинг учун васийлик ва ҳомийлик органларига мурожаат этиш лозим.

Айни пайтда болаларга ота-оналик вазифасини сиз айтиб ўтган шахслар бажариб келаётган бўлсада, лекин васийлик органи болаларни ота-она ихтиёрида қолиши, уларнинг тарбияси, соғлиғи ва ҳаёти учун бевосита хавф бор деб топса васийлик тайинланиши мумкин. Шу билан бирга васийлик тайинланаётганда сизнинг шахсий фазилатларингиз ва бу вазифани бажаришга бўлган қобилиятингиз, имкониятингиз, шарт-шароитингиз ҳамда оила аъзоларингизнинг розилиги ҳисобга олинади.

Васийлик тайинланганда боланинг таъминоти учун нафақа тайинланади.

Васийлик туман(шаҳар) ҳокимининг қарори билан тайинланади.

Мен олдин бир корхонада ишлардим. Соғлиғим ҳолатига кўра у ердан кетишга мажбур бўлдим. Ҳозир бозорда савдо-сотиқ қилиб юрибман. Афғон уруши қатнашчиси ва II гуруҳ ногирони сифатида 25 фоиз миқдорида даромад солиғидан озод қилингандим. Лекин шу йилнинг сентябрь ойида солиқ инспекторлари аввалги имтиёз бекор қилинди, 100 фоиз тўлайсиз, дейишди. Шу тўғрими?

Б.ҲАЗРАТОВ. Тошкент шаҳри, Сирғали тумани

Ҳақиқатан ҳам Афғонистонда ҳарбий хизматни ўтаган шахслар, I ва II гуруҳ ногиронлари ҳар бир тўлиқ ой учун энг кам ойлик иш ҳақининг тўрт баравари миқдорида даромадга солинадиган соликдан озод қилиниши қонунда белгиланган.

Биз бу масалада Сирғали туман ДСИ билан телефон орқали боғланганимизда, улар бу тартиб бекор қилинмаганлигини, шунингдек унга ҳеч қандай ўзгартириш ҳам киритилмаганлигини маълум қилишди.

Мен бир заводда 22 йил ишладим. Лекин саломатлигим ёмонлашганлиги сабабли 1999 йилнинг бошларида врачларнинг хулосасига асосан у ердан кетишга мажбур бўлдим. Менга II гуруҳ ногиронлиги белгиланди. Ҳозирги кунда шахсий автомашинамда у ер бу ерга қатнаб тирикчилик қилиб юрибман. Сўрамоқчи бўлган саволим шуки, биз каби ногиронларга ҳар ойда қанчадир миқдорда бензин берилар экан. Унинг аниқ миқдори қанча ва у кимларга берилади?

Ё.ЧЎЛИБОЕВ Навоий вилояти

Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 27 май кунги 258-сонли қарорига мувофиқ, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронлари ҳамда уларга тенглаштирилган шахслар, I ва II гуруҳ меҳнатда майибланган ва касб касалликлари ногиронлари, болаликдан I ва II гуруҳ ногиронлари шахсий автотранспортларига бензин олиш учун товон пули олиш ҳуқуқига эгадирлар. Ушбу товон пули бугунги кунда 1200 сўмни ташкил этади.

Шуни унутмаслик керакки, автотранспорт воситаси юқорида санаб ўтилганларнинг шахсий бошқарувида бўлиши лозим. Агар автотранспорт эгаси транспорт воситасини ишончнома асосида бошқа шахсга бошқариш учун берса, товон пули тўлаш тўхтатилади. Фақат бир хўжаликда яшовчи шахслар бўлсагина бу ҳуқуқ сақланиб қолиши мумкин.

Мен республикамизда чиқаётган газеталарга бир масала юзасидан бир неча марта хат орқали мурожаат этдим. Лекин ҳанузгача улар менинг мурожаатларимни оқибатсиз қолдиришмоқда. Нима қилиш керак?

Бу масалада юзасидан қаерга мурожаат этсам бўлади?

Қ.УМАРОВА, Қашқадарё вилояти, Чироқчи тумани

Оммавий ахборот воситалари фуқаролардан келиб тушган ариза ва шикоятларни кўриб чиқиб, ҳал этувчи, улар юзасидан бирон-бир қарор қабул қилувчи орган эмас. Фақат ҳал этилиши уларнинг ваколатига тааллуқли масалаларга доир фуқароларнинг мурожаатларигина тегишли қонунга мувофиқ кўриб чиқилиши мумкин.

Фуқароларнинг оммавий ахборот воситаларига йўллаган мурожаатларидан жамоат фикрини ўрганиш ва матбуотда акс эттириш учун фойдаланади. Шунингдек, мурожаатлар юзасидан лозим топилса, журналист текшируви ўтказилиши мумкин.

1995 йил февраль ойида касал бўлиб қолдим. I гуруҳ ногиронлиги белгиланди. Ҳужжатларни ижтимоий таъминот бўлимига топширдим. Лекин нафақа пули шу йил 1 октябрдан бошлаб берилди. Июль, август, сентябрь ойлари учун нафақа тўланадими ёки йўқми?

Эркин УСМОНОВ, Тошкент шаҳри

Ногиронлик нафақаси агар ногиронлик белгиланган кундан бошлаб уч ой ичида пенсия сўраб мурожаат этилган бўлса, тиббий меҳнат эксперт комиссияси томонидан ногиронлик белгиланган кундан эътиборан тайинланади.

Агар тайинланган пенсия уни тайинловчи ёки тўловчи органнинг айби билан ўз вақтида олинмай қолган бўлса, пенсия пули ўтган давр учун муддати чекланмаган ҳолда тўланади.

(«Фуқароларнинг пенсия таъминоти тўғрисида»ги қонуннинг 47,59-моддалари)

Шу йилнинг 30 апрель куни ишдан кечроқ қайтдим. Бир танишимникида меҳмон бўлдик. Овқатландик, озгина спиртли ичимлик ҳам истеъмол қилдик. Тахминан 100 гр атрофида ичдим. Соат 21.30-22.00 ораларида уйга жўнадик. Уйимиз шаҳарнинг нариги четида бўлиб, шеригим 3. исмли киши билан кейинги бекатгача пиёда кетдик.

Чорраҳада бизларни ҳушёрхона ходимлари чиройли чеҳра билан кутиб олишди...

Турли баҳоналар (паспорт, чегара шаҳри...) ни рўкач қилишиб бизларни автомобилга босишди.

Қаршилик ёки кўполлик қилганимиз йўқ. Ялиниб-ёлвордик, бўлмади, уларнинг жавоби - «ичгансизлар». «Умидвор» бўлиб туришди, лекин ўша нарсани бермадик...

Хуллас, ўша даргоҳга олиб кетишди. Протокол тўлдира бошлашди. Орқа чўнтагимдан 300 сўм пулни «рядовой» укам мажбуран тортиб олди. Бу даргоҳда уларнинг ҳар бир сўзи «закон» экан...

Камера ичи «меҳмон» лар билан гавжум экан. Фақатгина 1 та ҳақиқий маст фуқаронинг хархашаси бутун камерани «обод» қилиб турарди.

Соат 24.00 ларда бошлиқ акамиз келиб қолдилар. «Штраф тўлаларинг-да, жўналарингиз!» - деб буйруқ бердилар.

Чўнтагимдан тортиб олинган 300 сўм пулдан 50 сўмни қайтаришиб қолганини «штраф» га олиб қолишди.

Протоколга 200 грамм ароқ ичдим, деб ёзган дейишди, лекин мен 100 грамм ичганман, деб ёздим...

Менга нисбатан ҳаракатлари қонуниймикан? Қонуннинг қайси моддаларига биноан озгина ичган фуқаро камерага банди этилади?

А.АЛИМОВ, Бекобод шаҳри

Олдида ҳақиқатдан ҳам қонун посбони турганига ишонч ҳосил қилингандан сўнг, фуқаро сўзсиз унинг қонуний талабларини бажаришга мажбур. Милиционер шахси даҳлсиздир, унинг талабларига итоат этмаслик, унга қаршилик кўрсатиш мумкин эмас.

Шу билан бирга Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 26 - моддасига кўра ҳеч бир шахснинг иши судда қонуний тартибда кўрилиб, айблов ҳукми кучга кирмагунча айбсиз ҳисобланади.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 285-моддасида: «Бошқа таъсир кўрсатиш чоралари қўлланиб бўлингандан кейин ҳуқуқбузарликни тўхтатиш, ҳуқуқбузарнинг шахсини аниқлаш, башарти баённома тузиш зарур бўлиб, уни ҳуқуқбузарлик содир этилган жойнинг ўзида тузиш имкони бўлмаган тақдирда маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённома тузиш, ишларнинг ўз вақтида ва тўғри кўриб чиқилишини таъминлаш ҳамда маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар юзасидан чиқарилган қарорларни ижро этиш мақсадида мазкур шахсни маъмурий йўл билан ушлаб туришга, шахсан кўрикдан ўтказишга, унинг ашёларини, транспорт воситаларини кўздан кечиришга ва ашё ҳамда ҳужжатларини олиб қўйишга йўл қўйилади» дейилган. Демак, маъмурий тартибда ушлаб туриш учун ҳуқуқбузарлик факти амалда содир этилган бўлиши керак. Одатда маъмурий тартибда ушлаб туриш тўғрисида баённома тузилади. Унда баённома тузилган сана ва жой, уни тузган шахснинг лавозими, исми, фамилияси, ушлаб турилган шахс тўғрисидаги маълумотлар, ушлаб туриш жойи ва асослари, ҳуқуқбузарликнинг моҳияти, ана шундай ҳуқуқбузарлик учун жавобгарликни назарда тутувчи норматив ҳужжат кўрсатилиши шарт. Баённомада ана шу ҳолатлар тўлиқ ёки қисман кўрсатилмаган бўлса, ушлаб турилган шахс уни имзолашдан бош тортишга ҳақли. Бош тортиш сабаблари ёзма равишда билдирилиши мумкин. Бу баённомага илова қилинади ва бу ҳақда баённомага ёзиб қўйилади. Маъмурий тартибда ушлаб туриш 3 соатдан ошмаслиги керак. Қонун ҳужжатларида белгиланган айрим ҳолларда маъмурий тартибда ушлаб туришнинг бошқача тартиблари белгиланиши мумкин. Маъмурий тартибда бирон чора кўриш учун у ёки бу тарзда маъмурий ҳуқуқбузарлик хатти-ҳаракатлари содир этилган бўлиши керак. Сиз айтиб ўтган даргоҳга келтириш ва маъмурий таъсир чораларини кўриш учун содир этилган хатти-ҳаракат ҳуқуқбузарлик факти, деб топилиши лозим. Яъни, маст ҳолатда жамоат тартибини бузиш (жанжал кўтариш, ҳақорат қилиш ва бошқа уятли сўзлар гапириб осойишталикни бузиш, жамоат жойларда йиқилиб ёки ухлаб ётиш). Маъмурий тартибда ушлаб туришда ушлаб турилган шахсга нисбатан бирон бир тарзда ноқонуний чоралар қўлланилган бўлса, бу ҳақда ёзма равишда, асослаб, тегишли туман (шаҳар) прокуратурасига мурожаат этиш лозим.

1994 йил 30 апрелдан буён I гуруҳ ногирониман. 1994 йил апрель ойидан буён менга қизим қараб келади. Оилали, 3 нафар фарзанди бор. Менга қараш даври иш стажига кирадими?

С.ҲУСАНОВ, Хоразм вилояти, Хива тумани Паҳлавон Маҳмуд номли жамоа хўжалиги

Ҳа, киради. I гуруҳ ногиронига ёки ўн олти ёшгача бўлган ногирон болага, шунингдек ўзгаларнинг парваришига муҳтож бўлган (тиббий муассасанинг хулосасига кўра) 80 ёшга тўлган қарияларга қараб туриш вақти стажга қўшиб ҳисобланади.

«Ўзбекистон Республикасининг барча давлат органлари, жамоат бирлашмалари ва мансабдор шахслари фуқароларга уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига дахлдор бўлган ҳужжатлар, қарорлар ва бошқа материаллар билан танишиб чиқиш имкониятини яратиб бериши лозим».

(Ўзбекистон Республикаси Конститутциясининг 30-моддаси)

САҲИФАНИ ДОНИЁР ХАЛИЛОВ ТАЙЁРЛАДИ

• *Бизнинг суҳбат*



Фурқат ТУРСУНОВ 1964 йил Фориш туманида туғилган. 1990 йил ТошДУнинг ҳуқуқшунослик факультетини битирган. Иш фаолиятини 1993 йил Ғаллаорол тумани судида суд котиблигидан бошлаган. 1993 йилдан буён прокуратура тизимида фаолият кўрсатиб келаяпти. 1999 йил 10 мартдан бошлаб Бахмал туман прокурори.

МАСЪУЛИЯТ УНУТИЛГАН ЖОЙДА

ҚОНУНБУЗАРЛИК СОДИР БЎЛАДИ, – ДЕЙДИ БАХМАЛ ТУМАНИ ПРОКУРОРИ ФУРҚАТ ТУРСУНОВ

— Фурқат Баҳромович! Бахмал тумани қўшни Тожикистон Республикасига чегарадош ҳудуд ҳисобланади. Туманда бугунги аҳвол қандай?

— Туман чегарасида тинчлик-осойишталик ҳукм сурмоқда. Халқимиз яратувчилик ишлари билан банд. Маҳалла ва қишлоқларимизда тўйлар давом этмоқда. Ҳозирги кунларда деҳқонларимиз йил бўйи етиштирилган ҳосилни йиғиштириб, Ватан олдидаги бурчларини бажаришмоқда. Ғаллакорларимиз ўз ваъдалари устидан чиқишиб, 16 минг 700 тонна сара дон етиштириб давлат режасини ортиғи билан уддаладилар. Ҳозир туманимиз далаларида кузги дон экиш ишлари давом этмоқда. Бир сўз билан айтадиган бўлсам, бахмалликлар яратиш ишқи билан яшаяпти.

— Туманда жиноятчиликнинг олдини олиш ва унга қарши кураш борасида қандай ишлар қилинаяпти?

— Ютуқлар билан қанчалик фахрланмайлик, барибир бизнинг туманимизда ҳам жиноятлар содир бўлиб турибди. Жиноятларнинг асосий қисмини талон-тарожлик ва ўғирликлар ташкил қилади. Жиноятларни ўз вақтида фош қилиш учун барча чора-тадбирлар белгиланмоқда. Бу борада туман ИИБ ва жамоат ташкилотлари билан яқин алоқа ўрнатганмиз. Ўз вақтида қилган саъй-ҳаракатларимиз туфайли, жиноятларнинг асосий қисми ўз вақтида очилиб, айбдорлар судда қонуний жазо олмоқда.

Ҳар бир ҳудудда жиноятга сабабчи манбалар бўлади. Масалан, чорвачиликка ихтисослашган туманларда чорва молларини ўғирлаш, талон-тарож қилиш ёки ғаллачиликка ихтисослашган хўжаликларда ана шу соҳада жиноятлар нисбатан кўпроқ бўлади. Бизнинг туманимиз асосан қишлоқ хўжалигига ихтисослашганлиги сабабли бизда ҳам шу тармоқда жиноятлар содир қилинмоқда.

— Маълумки, жиноятларнинг асосий сабабларидан бири бекорчиликка, ишсизликка бориб тақалади...

— Бугунги кунда туманимиз аҳолиси сони салкам 100 минг кишини ташкил қилади. Асосий қисми ёшлар. Улар яхши еб, яхши кийсам, дейди. Афсуски, енгил ҳаётга ўрганган айрим ёшлар ота-оналарнинг назоратидан четда қолиб турли жиноятларни содир қилмоқда. Ана шу муаммоларни ҳал қилиш мақсадида туман ҳокимлиги, ёшларнинг «Камолот» жамғармаси туман бўлими, хотин-қизлар қўмитаси ва маҳаллакўм раислари билан ҳамкорликда ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш учун турли тадбирлар белгиланмоқда.

Қамоқ жойларидан келган собиқ маҳбусларни ишга жойлаштиришга алоҳида эътибор қаратганмиз. Жиноят қилишга мойил оила бошлиқлари ва уларнинг айрим аъзолари устидан алоҳида назорат ўрнатилиб, участка нозирлари рўйхатига олинган.

— Ҳар бир туманнинг иқтисодий жиҳатдан бақувватлиги ҳисобкитобларнинг ўз вақтида ўтказилишига, бир сўз билан айтадиган бўлсак, дебитор ва кредитор қарзларга боғлиқ.

— Корхона ва хўжаликнинг иқтисодий жиҳатдан бақувватлиги кўпинча шу ташкилот раҳбарининг ишбилармонлигига боғлиқ. Олма пиш, оғзимга туш дейдиган замонлар ўтиб кетди. Бугунги раҳбар ақл билан иш юритмаса корхона банкротга учраши, қарзга ботиши мумкин. Яқинда туман прокуратураси туман газлаштириш идорасида масъул назорат органлари билан ҳамкорликда текшириш ўтказди. Текшириш якунига кўра газлаштириш идораси раҳбари Т.Нурматовга нисбатан дебиторлик ва кредиторлик қарзлар муддатини ўтказиб юборганлиги ва қарзларни ундириш чорасини кўрмаганлиги учун маъмурий ҳуқуқбузарликка доир иш қўзғатилиб, мазмунан кўриш учун туман судига юборилди. Бир сўз билан айтганда, ушбу ташкилот раҳбари ўз зиммасидаги вазифани унутган. Оқибатда идора қарзга ботган.

Табиий газ - халқимизнинг бебаҳо бойлиги. Энг аввало, ундан тежаб-тергаб фойдаланишимиз керак. Ўзингиз ўйланг, бир кун ҳаётимизни газсиз тасаввур қилиш мумкинми? Шундай экан, фойдаланилган табиий газ учун ўз вақтида пулини тўлаб қўйишимиз керак. Афсуслар бўлсинки, айрим хусусий корхона эгалари туман газлаштириш идорасидан рўйхатдан ўтмай газдан фойдаланишмоқда. Бундай ҳоллар текширишларда аниқланмоқда. Туман марказидаги «Ёзги» деб номланган чойхона бош ошпази С.Аҳмедовдан ана шундай ноқонуний иш қилгани учун 6752 сўм ундирилди ва чойхонанинг фаолиятига нуқта қўйилди. Бундай мисолларни хоҳлаганча келтириш мумкин.

— Олтиндай товланувчи Бахмал олмаларини кўрган ҳар бир одам табиатнинг гўзаллигига тан беради. Ана шундай ноз-неъматни етиш-тирган деҳқон учун туман бозор-ларида шароитлар қандай?

— Бахмал олмаларининг довруғи қадимдан машҳур. Унинг ширин-шакар меваларини республикамизнинг кўпгина бозорларида учратасиз.

Туманимиз бозорларидаги шароитларга келсак, ҳақиқатдан бугунги кун талабига жавоб бермайди. Яқинда Вазирлар Маҳкамасининг «Бозорлар фаолиятини тартибга солиш юзасидан мансабдор шахсларнинг масъулиятини оширишга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори юзасидан туман марказидаги «Ўсмат» хиссадорлик жамияти бозори фаолияти ўрганиб чиқилди. Таҳлиллар шуни кўрсатдики, туман ҳокимияти ва бозор ҳиссадорлик жамияти аҳолига хизмат кўрсатиш сифатини яхшилашга қаратилган чора-тадбирларни белгиламаган. Бозор ҳудудида савдо қилиш шартларига тааллуқли ва тушунтирувчи кўргазмали жадваллар йўқлиги кишини ажаблантиради.

Текширишда яна ижара тўлови тўғрисидаги шартномалар ва фьючерс шартномалари тузилмаганлиги аниқланди. Бозор хазиначиси А.Холиқов 4465 сўм пулни хазинага кирим қилмасдан ўз манфаати учун ишлатиб юборганлиги учун унга нисбатан жиноят иши қўзғатилди.

Мақсадимиз-бозорларни текшириб, кимларнидир жиноий жавобгарликка тортиш эмас, балки жойларда тартиб ўрнатиш, деҳқон учун шарт-шароит яратиш. Кўплаб тушунтириш ишлари олиб борилишига қарамай ҳали ҳам бозорларимизда халқ соғлиғига зиён етказувчи муддати ўтган сифатсиз маҳсулотлар сотилишига йўл қўйилмоқда.

Энг ачинарлиси, деҳқонларни алдаш ҳоллари содир қилинмоқда. «Ўсмат» деҳқон бозорининг савдо-харид бўлими бошлиғи А.Абдусаматов тумандаги бир нечта фермер хўжаликларидан 88875 сўмлик қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қабул қилиб олиб, сотишдан тушган пулларни хазинага топширмасдан ўзлаштириб юборган. Қилмиши учун А.Абдусаматов ҳам қонуний жазосини олди.

— Туманда жиноятчиликка қарши курашда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларнинг жамоат ташкилотлари билан ҳамкорлиги ҳақида нималар дея оласиз?

— Ҳаммага маълум ҳақиқат маҳалладаги ўғрини ҳам, тўғрини ҳам ўша ерда яшайдиганлар биздан кўра яхши билишади. Шу боис халқнинг ичига кириб боришга ҳаракат қиляпмиз. Маҳаллаларда ва қишлоқ фуқаролар йиғинларида тез-тез юзма-юз учрашувлар ташкил қилмоқдамиз. Жиноятчиликка қарши кураш борасидаги ишлар юзасидан туманимизнинг «Бахмал ҳаёти» газетасида, «Ҳуқуқ ва бурч» рўзномаларида доимий чиқишлар қилиб турибмиз.

Мақсадимиз битта-халқимиз тинчлиги ва осойишталигини сақлашдир. Бунинг учун бизда куч ҳам, имконият ҳам етарли.

Суҳбатдош:
Зайниддин МАМАДАЛИЕВ,
«Ҳуқуқ»нинг махсус мухбири

• *Ёднома*

МАКОНДА ЛОМАКОН ЭНДИ...

Шафқатсиз ўлим республикамизда ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашга, аҳоли ўртасида ҳуқуқий тарбияни ривожлантиришга катта ҳисса қўшган билимдон ҳуқуқшунос, моҳир раҳбар, 3-даражали давлат адлия маслаҳатчиси Остон Турсуновни орамиздан олиб кетди...



«Остон ака бўлмай қолдилар». Воҳ...

Ишониш қийин, ишониш мушкул, оғир мусибат, аламли ҳижрон. Бахтли кунлари, жудолик кунлари бир-бир кўз ўнгимиздан ўтади. Сўнгги кўрганимиз шифохонада. Ранглари синиққан, нафас олишлари оғир, оғриқнинг зўридан кечалари уйқу йўқ. Аммо шу ҳолатда ҳам ҳамма нарсани билгилари келади, ҳамма нарсага куюнчаклик билан баҳо берадилар.

У кишининг кўрган-кечирганларини ёзса, не-не авлодларни тарбиялагувлик том-том китоб бўлмасмиди?

Қай бир нозик нуқтадан назар ташлаш, ҳар бир ҳолатни идрок тарозусида минг бор тортиб кўриш, теран ва чуқур мушоҳада юритиш истеъдоди, соғлом ақл заргари бўлмоқ камдан-кам кишиларга насиб этади.

Одамлар...одамлар... Шу куни ҳамма ҳушёр тортгандай, ҳамма сўнгги хизматга шай. Ишора бас, бир ишга юз киши шошади.

Одамлар дарёдай оқди-я, уммонча чексиз ҳурмат. Оқибат тўлқини, меҳр мавжи эмасми бу! Ҳар ким тобутни уч - тўрт қадам кўтарсам, ҳар ким қабрга дуо ила бир кафт тупроқ ташласам, дейди. Бурч дегани шу эмасмикан? Виждон шунга ундайди, қалб шунга буюради.

Умр. Бир эшикдан кириб, иккинчисидан чиқиб кетганчалик бўлмади-я, деган экан бир шоир. Гоҳ йиллар арзимасдай, гоҳ лаҳзалар оғир. Ғамзада сатрлар юракни ўртайди яна:

Кетдингиз. Бехуда илтижо, тоат,
Ҳаёт лаҳзалари чок-чок сўкилди.
Юм-юм йиғлаяпти, ана кум соат,
Вақт мунгли, юрагим қумдек тўкилди.

Қуръон сураларини, илоҳий оҳанг кишилар қалбида акс садо бериб, дарахт япроқларига аста қўниб, сўнг узоқ-узоқларга парвоз қилаётгандай.

Фотиҳага қўл очилади. Юзга тортилади. Одамлар қўзғалади.

- Ҳўв, Остон ака қандай одам эдилар?

- Яхши одам эдилар.

Яхши одам, яхши, яхши... Бу эътирофга дов-дарахтлар, қушлар, мовий осмон, куёш-бутун борлиқ қўшилади.

Бу маъвода ҳар бир сўз юракдан айтилади.

Бир гуруҳ ҳамкасб дўстлари



Бахмал яйловларида

• *Юлдузлар ҳаёти*



Dr. Alban. Бу номни билмайдиган замонавий қўшиқ мухлислари сайёрамизда йўқ ҳисоб. Унинг қўшиқларн мухрланган магнит тасмалари юртимизга кириб келганига ҳам бир неча йил бўлди. Ёшларимиз орасида Dr.Alban қўшиқларининг мухлислари ҳамон ортиб бормоқда. Бироқ, биз бугун унинг қўшиқлари хусусида тўхталмоқчи эмасмиз.

«Қора бошлилар фитнаси» — Dr.Alban ўзининг иккинчи ватани бўлган Швецияда шу номдаги илк китобини чиқарди. Китобда Швецияда кечган ҳаёти тўғрисида ҳикоя қилади. «Дўконларда ҳеч қачон қайтимини қўлимга тутқазишмаган. Пештахтага қўйиб қўйишарди. Оқ танлилар билан эса ҳеч қачон бунақа муомала қилинмас эди. Унинг устига шведларга ҳар доим биринчи навбатда хизмат кўрсатиларди. Бир сафар қора танли қишини кўчанинг ўзида ҳақорат қилишганини кўриб, тушунib етдимки, нимадир қилиш керак. Мен ёшларга мурожаат қилишга аҳд қилдим. Чунки, эртанги кун қандай бўлиши фақат уларга боғлиқ», — деб ёзади у китобининг ёзилиш сабаблари хусусида тўхталиб.

Швецияда бу китоб қўлма-қўл бўлиб кетди. Бироқ қора танлилага бундай кейин муносабат ўзгарадими-йўқми, буни вақт кўрсатади.

(«Bravo» журналидан)

• *Уқинг, қизиқ*

ҚОҒОЗБОЗЛИК ШАРТ ЭМАС

Ҳиндистонда истиқомат қилувчи Баланс қабиласида дунёнинг бирор ерида учрамайдиган антиқа одат бор. Бир-бирини севиб қолган йигит ва қиз гувоҳлар кўз ўнгида тропик дарахтнинг баргини икки томонидан тишлаб, чайнай бошлайдилар. Барг тугаб, севишганлар лаби бир-бири билан тўқнашгач, йигит ва қиз эр-хотин ҳисобланиб, тўй бошланади.

АЁЛЛАРГА ҚИЙИН БЎЛГАН

XVI асрда яшаган машҳур қиролича Катерина Медичи (1519-1589 йиллар) қироличалик фаолияти давомида сарой хонимлари белининг айланаси 33 сантиметрдан ошмаслигини белгилаб қўйган. Буни қарангки, ўша даврда аёллар анча нозик бўлишган экан. Ваҳоланки, бу қадар ингичка белли аёллар бизнинг асримизда учраши амри маҳол. Улардан шу пайгача қайд этилганлари атиги иккита, холос. Яъни француз актрисаси Миле Плэр (1881-1930) ва инглиз Этель Пранжер (1905-1982)лардир.

• *Спорт*

МАВСУМ НИҲОЯСИГА ЕТМОҚДА

Газетамизнинг ўтган сонида «Дўстлик» жамоаси мамлакат чемпионлигини қўлга киритганлиги тўғрисида хабар берган эдик.

Мавсумнинг сўнгги 30-турида эса мамлакатнинг янги чемпиони ўтган йилги чемпион «Пахтакор» майдонида меҳмонда бўлди. Учрашув кутилганидан ҳам қизиқарли ўтди. «Пахтакор» ўйинчиларидан Игор Шквирин (2 та) ҳамда Андрей Акопянцларнинг киритган тўпларига меҳмонлар 2 тўп билан жавоб қайтаришди.

Ушбу ғалабадан сўнг «Пахтакор» 58 очко билан тўртинчи ўринни банд этди.

Сўнгги тур учрашувлари якунларига кўра «Сурхон» ҳамда «Янгиер» жамоалари олий табақани тарк этадиган бўлишди.

Қаҳ-қаҳа бекати

ПОЙИНТАР...

1. Қишин-ёзин кўм-кўк турадиган нарса нима?
2. Ер айланиши қачон тезлашади?
3. Операда нимага бақириб ашула айтишади?
4. Қулоқ битта бўлганида нима бўлади?
5. Оёқ қачон узун бўлади?

СОЙИНТАР...

1. Дўлмар
2. Арок ичганда.
3. Ухлаганларни ўлдиришни.
4. Шляпа кийишга тўғри келади.
5. Энди кўпга бўлганда.

Илҳом ЗОЙИР

☺

Юқори синф ўқувчиларига «Агар фирма директори бўлиб қолсам...» мавзусида иншо ёзиш топширилди. Барча ўқувчилар топшириқни бажаришга киришиб кетдилар. Фақат бир ўқувчи ҳеч нарса ёзмай, ойнага тикилиб ўтирарди.

— Сен нега ёзмаяпсан?, — ҳайрон бўлиб сўради ўқитувчи.

— Котибамни кутаяпман.

☺

Қамоқхоналардан бирида учрашув пайти. Эрини кўргани келган хотин ундан сўраяпти:

—Пирог ичига солиб берган пичоқчам сенга ортиқча ташвиш келтирмадими?

— Ҳеч қандай. Эртага мени операция қилишади.

☺

— Нега бунча қиммат, — деди бемор тишини олиб қўйган врачга қараб. — Ахир, бу одатдагидан уч баравар ортиқ-ку?

— Тўғри. Бироқ сиз шунчалик қаттиқ бақирдингизки, оқибатда икки нафар мижозим қочиб кетди.

☺

Она янги шубасини кийиб кўраяпти.

— Ойи, буни сизга дадам олиб бердими? — сўради ўғилчаси.

— Йўқ, ўғлим. Агар даданга ишонганимда, нафақат шуба, балки сен ҳам бўлмас эдинг.



- Адам мошина олиб берди-ла

Бунга нима дейсиз?

Ҳар қандай одам ўзини оламнинг маркази, деб билади


• *Кроссворд*

Энига:

2.Табиат ҳодисаси. 4.Ҳафта куни. 8.Ўрта асрлардаги Европа давлатлари армиясининг кичик бир қисми. 9.«Қора» китоб. 10.Океан. 13.Эркаклар уст кийими. 15.Фойда. 17.Буюк ватандошимиз, суфийлик тариқатларидан бирининг асосчиси. 18.Саудия Арабистонидаги шаҳар. 20.Тоғларда учрайдиган шифобахш модда. 22.Франциядаги оламга машҳур дам олиш маскани. 23.Тўқимачилик ашёси. 24.Асосан ким ошди савдолари ўтказиладиган «бозор». 25.Ширин, мазали. 26.Қуруқликнинг маълум бир йирик бўлаги. 28.Шарм-ҳаё. 30....—жинс. 32.Вақт бирлиги. 34.Электр энергияси. 36.Спортда эришиладиган улкан натижа. 37.Товар айирбошлаш усули. 38.Осиёдаги давлат. 39.Ўт-ўлан.

Бўйига:

1.Миллий таом. 3.Молассан асарларидан бири. 5.Қум тепалик. 6.Физика фанида назария яратган олимлардан бири. 7.Давлат мустақиллиги белгиларидан бири. 11.Қурилиш ашёси. 12.Ор-номус. 14.Истамбул шаҳрининг қадимий номларидан бири. 16.Кавказдаги давлат. 18.Касаллик манбаи. 19.Ўт, олов. 20.Таъма. 21.Мартабали одам (шевада).26.Унча катта бўлмаган тепалик. 27.Юз, чеҳра. 29.Ўлчов асбоби. 30.Венгрияда чиқариладиган автобус русуми. 31.Европада ишлаб чиқариладиган автомобиль тури. 33.Мансаб, лавозим. 35.Сабзавот тури.



Мустақиллик ҳуқуқ демакдир
Ҳуқуқ
ЮРИДИК ГАЗЕТА
Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида № 00150 рақам билан рўйхатга олинган.

ТАЪСИСЧИЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси, Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти прокуратуралари, «Қонун ҳимоясида»журнали

Манзил: 700047, Тошкент шаҳри, академик Яҳё Гуломов кўчаси, 66-уй.
Телефонлар: 77-72-25, 133-82-34

Бош муҳаррир: Абдухолиқ АБДУРАЗЗОҚОВ
Таҳрир ҳайъати: Бўритош Сайфуллаев,Ботир Пўлатов, Дилшод Исломов (масъул котиб), Мэлс Наимов, Лола Шомуротова, Бахтиёр Назаров (Бош муҳаррир ўринбосари), Зайниддин Мамадалиев

Муаллифларнинг фикри таҳририят фикридан фарқланиши мумкин.
Кўчириб босилганда «Ҳуқуқ»дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.

«Ҳуқуқ» оригинал макети.
Газета PENTIUM - II mmx компьютерида саҳифаланди.
«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонасида босилди. Манзил: Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41. Нусхаси - 12933. Буюртма Г-0857. Бичими А-3.
Навбатчи: Н.МАҲМУДОВ
1 2 3 4 5 6
Сотувда эркин нархда.
Босишга топшириш вақти: 20.00
Босмахонага топширилди: 17.30